

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КРЕДИТ ОПЕРАЦИЯЛАРИ ТАХЛИЛИ**Шарипова Нигина Джўракуловна**

Иқтисодиёт ва сервис институти ўқитувчиси

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги 2010 йил 26 ноябрдаги ПК-1438-сонли қарори ижроси орқали банк активлари самарадорлигини оширишга ва халқаро рейтинг агентликлари талаблари асосида рейтинг баҳолашда юқори натижаларга эришилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳам ушбу ҳолатни юқори баҳолаб “Республиканинг банк тизими бақарор фаолият кўрсатмоқда, унинг капитал етарлилиги даражаси минимал халқаро стандартлардан 3 барабар ортиқ миқдорда сақланиб қолмоқда, ликвидлилиги эса энг юқори талаблардан 2,2 барабар кўпдир. Ўтган йили тижорат банкларининг жами капитали 25 фоизга кўпайди, кредит портфели жами суммасининг 80 фоизга яқини ички манбалар ҳиссасига тўғри келади”

Хозирги биз билган банкларнинг шаклланиши уртаасрларга бориб тақалади ва шундан буёнула рузларининг фаолият турини замона талабларига мослаган ҳолда кенгайтириб бораверишган. Хозирги кунда банкларнинг аънанвий фаолият турларидан бири бу кредит операцияларидир. Кредит бу аҳолии эҳтиёжидан ташқари буш турган пул маблағларини жалб қилиб, уни шу пул маблағларга эҳтиёжи бор шахсларга маълум шарт ва тамойиллар асосида қарз беришдир. Кредит операциялари орқали банклар иқтисодиётда пул айланишини тухтаб қолишини олидини олади, яъни улар пулнинг доимий ҳаракати оқимини бир маромда булишини таъминлаб беришга ҳаракат қилади. Қандай дейсизми тасаввур қилинг ҳужалик юрутувчи субъект яъни ишлаб чиқарувчи узини фаолиятини давом эттириш учун хомашё ва материаллар сотиб олиши керак у режада курсатилган миқдорда ишлаб чиқариш учун етарли захираси омборда мавжуд, аммо унинг маҳсулотларига бугунги кундаги бозорда талаб ошиб кетди, уз-узидан у ҳам таклифни қўпайтириш орқали қўпроқ фойда олишни хоҳлайди. Банк шундай вазиятларда пулга эҳтиёж сезаётган субъектларга фаолиятини кенгайтириш ва янада ривожлантириш учун пул беради уз навбатида у ҳам бу пулларни айлантириб яна банка қайтаради. Банклар бир нечта субъектлар билан узаро алоқада булиб уларнинг пул маблағларини харкати бошқаради. Кредит операциялари (лотинча «creditum» -суда деган маънони англатади) деганда тамойиллар яъни қайтаришлилик, фоизлилик, муддатлилик, туловлилик асосида шартномада белгиланган миқдордаги суммани қарзга бериш тушунилади. Хозирги кунда тижорат банклари томонидан такдим қилаётган кредитларнинг ҳам турлари қўпдир мисол учун муддатига қўра кредитлар: қисқа ва узок муддатли; кредитлар мақсади ва қайси соҳага йўналтирилганлиги бўйича: саноат, кишлок ҳужалиги, савдо, инвестицион, истеъмол ва бошқар; таъминланганлиги бўйича: таъминланган ва таъминланмаган; фоиз ставкаси турлари бўйича: қатъий белгиланган ва сузиб юривчи. Бундан ташқари кредитнинг бошқа турлари ва узига хос хусусиятлари мавжуддир мисол учун кредитлар бериш тартиблари, мақсадлари ҳам юридик ва жисмоний шахсларники бир-биридан фарқли жихатлари қўп. “Ахборот технологиялари соҳасида таълим тизимини янада такомиллаштириш, илмий тадқиқотларни ривожлантириш ва уларни it-индустрия билан интеграция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорининг самарали ижросини таъминлаш мақсадида “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида ўқув курсларини муваффақиятли тугатган ва

сертификат олган ёшларга компьютер харидлари учун истеъмол кредитлари ажратиб келинмоқда. Ўзбекистон ҳудудида кредит бериш билан нафақат тижорат банклари балки бошқа микрокредит ташкилотлари ҳамда ломбардлар ҳам ушбу фаолият тури билан шуглланади. Ушбу кредит ташкилотлари орасида рақобат сустлиги деярли мавжуд эмаслиги, аҳоли даромад даражаси жуда пастлиги бугунги кунда кредит тизимининг сифатини оширишдаги энг катта тусиклардан буилиб саналмоқда. Хулоса урнида шуни айтиш жоизки, кредит ташкилотлари уртасида соф рақобатни вужудга келтириш учун аҳоли даромадлари билан биргаликда кредит rischi даражасини ҳам ҳисобга олган ҳолда энг оптимал ечимга эга булган кредит турларини ишлаб чиқиш ва аҳолига таклиф қилиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек аҳолининг жамғаришга нисбатан кредит олишга булган қайфиятини юқори эканлигини таҳлил қилганда иққала томонга ҳам муқобил булувчи янги тарифларни ишлаб чиқиш даркор. Замонавий банк тизими тажрибасида имитацион моделларни кўриб чиқамиз. Имитация (лот. imitation – тақлид) қиёслаштириш маъносини англатиб, воқеа, ҳодиса, жараён ва объектларни ўзига хос тарзда монанд қилиб акс эттиришни англатади. Имитация кўп тан олинган маънода модель (лот. modulus – ўлчов, намуна) – синоними сифатида ҳам ишлатилиб, моддий ва номоддий образни (расм, шарҳ, чизма, эталон)ни моддий жиҳатдан изоҳлаш, унга монанд жараённи ифодалашни назарда тутати [5]. Бу орқали корхонанинг бутун ишини кўришни таъминлаш оператив ва стратегик режаларни ишлаб чиқиш ҳамда муҳим аҳамиятга эга инвестицион операцияларга тайёрланиш мумкин. Тижорат банкларининг имитацион моделлари таркибига махсус электрон жадваллар, банкнинг экспорт пакетлари махсус моделлаштириш асосида шаклланади. Бундай моделларни яратиш банк учун катта харажатларни талаб қилмайди, банк учун ўртача имкониятлар даражасида амалга ошади. Шу вақтнинг ўзида тизимни шакллантирувчи банklar, менежментнинг керакли элементларидан бири ҳисобланган режалаштириш ва банк операцияларини бошқаришни янги сифатли даражадаги бошқичларидан бири ҳисобланади. Оддий дастур воситалари асосан берилган инвестицион портфелнинг структура доирасида йўналтирилган. Умумий қабул қилинган воситаларда биз котировкаларни назорат қилиб туриб кузатамиз, фойда ёки riskни инобатга олинган ҳолда активларни оптимал портфелини шакллантираемиз. Аммо кенг тарқалган “metastock” пакети ҳам турли хил стратегик вариантларни тезкор таҳлил қилиш, инвестицион операциялар режасини қайта ишлаш имконини, банкнинг турли инвестицион операцияларни шакллантириш имконини бермайди. Кенгрок имкониятларни режалаштириш ва инвестицион операцияларни бошқаришда банкнинг махсус “оқим” дастури воситалари ва методлари қўлланилмоқда, уларнинг муҳимлиги шундаки, инвестицион стратегиялар ўрнига трейдерлар ҳаракатини кетмакетлигини кузатишларни режалаштиришни таъминлайди. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, тижорат банкларининг актив операциялари банк тизимида ва иқтисодиётнинг вазифаларида муҳим аҳамиятга эга. Тижорат банklar тизими ўз имкониятларини моҳирона амалга ошириши ва давлатнинг иқтисодий эҳтиёжларига тўлиқ жавоб бериши уни бошқаришнинг самарадорлигидандир. Ҳар бир иш малакали ташкил этилиши керак, тижорат банкнинг операциялари ҳам бундан мустасно эмас. Республикамиз банк тизимини барқарор ўсувчи, осон мослашувчи, жамиятнинг эҳтиёжларини қондириши, тижорат банклари ўз операцияларни керакли эҳтиёткорлик даражасини назорат қилган ҳолда амалга оширилиши лозим.